

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

Maxsus son (2) [93], 2023



AGRO ILM

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ
VA SUV XO‘JALIGI»
журнали илмий иловаси

Бош муҳаррир:
Тоҳир
ДОЛИЕВ

МУАССИС:
Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ
ва Сув хўжалиги
вазирликлари

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0291-рақам билан қайта рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги №201/3-сонли қарори билан қишлоқ хўжалик фанлари, техника, ветеринария ҳамда 2015 йил 22 декабрдаги 219/5-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

А.Тўраев
(Ҳайъат раиси)
Ҳ.Атабаева
М.Аманова
С.Ахмедов
Ш.Бобомуродов
Қ.Бобобеков
А.Даминов
Д.Ёрматова
Ш.Жабборов
А.Ибрагимов

У.Исмаилов
Б.Исроилов
С.Зокирова
А.Мадалиев
А.Маърупов
Р.Назаров
Р.Низомов
Р.Нормахматов
Т.Остонакулов
А.Равшанов
Ф.Расулов

Ш.Ризаев
Й.Сайимназаров
С.Санаев
Ж.Сатторов
М.Сатторов
Ф.Тешаев
М.Тошболтаев
Е.Торениязов
Д.Тунгушова
А.Тўхтақўзиев
Т.Фармонов

Б.Холиқов
Д.Холмирзаев
Н.Хушматов
Р.Ҳақимов
А.Ҳошимов
С.Шамшетов
Ш.Шообидов
Э.Шаптаков
А.Элмуродов
Ш.Эсанбаев
И.Қўзиев

«O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» ва
«AGRO ILM» журналларида чоп этиладиган
илмий мақолаларга қўйиладиган
ТАЛАБЛАР

1. Мақолалар:

— илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;

— тушунарли ва раван баён этилиши;

— охирида эса аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши даркор.

2. Мақола ўзбек ёки рус тилида ёзилиши мумкин. Унинг ҳажми шакл ва жадваллар (қўпи билан 1,5 бет), адабиётлар рўйхати, инглиз тилидаги аннотация (3—4 қатор) билан бирга **10 бетдан**, илмий хабарлар эса **4 бетдан** ошмаслиги керак. Юбориладиган материаллар А-4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал** ва **14 кеглда**, Times New Roman ҳарфида ёзилмоғи лозим.

3. Мақолани расмийлаштириш (формуларни ёзиш «Microsoft Equation 3.0» дастурида, жадвалларни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар) илмий журналлар учун қабул

қилинган тартибларда бажарилади. Мақола мазмунига мос **УЎТ индекси биринчи саҳифанинг тепадаги чап бурчагига қўйилади**. Мақола охирида адабиётлар рўйхати, муаллифнинг исми, шарифи ва иш жойининг номи аниқ кўрсатилиши керак.

4. Нашр учун тайёр мақола албатта эксперт хулосаси бўлган ҳолда, **2 нусхада электрон варианты билан қабул қилинади**. Иккинчи нусха муаллифлар томонидан имзоланади. Муаллифларнинг уй ва иш манзиллари, исми ва шарифлари, **телефон рақамлари** тўлиқ кўрсатилиши шарт.

5. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди. Зарур ҳолларда таҳририят мақолани тақриз учун юборишга ҳақли. Таҳририятга топширилган мақола ва материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

ТАХРИРИЯТ

**2023 йил,
Махсус сон (2) [93]**

**Бир йилда олти
марта чоп этилади.**

**Обуна
индекси—859**

**Журнал 2007 йил
августдан чиқа бошлаган.**

© «AGRO ILM» журнали.

**Манзилимиз:
Тошкент 100004,
Шайхонтоҳур тумани
А.Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел/факс: 249-13-54.
242-13-54.**

**Facebook: uzqxjournal
Telegram: qxjournal_uz;
Сайт: www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@mail.ru**

МУНДАРИЖА

ПАХТАЧИЛИК

- Ж.ЖАББОРОВ, Ж.АХМЕДОВ, Б.ТАДЖИБАЕВ, Д.АХМЕДОВ.** Биология кўчатзорида ўрганилган F₂ дурагай авлодлари пахта толасининг сифат кўрсаткичлари.....3
- М.АВЛИЯКУЛОВ, Н.РАЖАБОВ, М.ХОЖИМАТОВ, С.НАЗИРОВ.** Томчилатиб суғориладиган уруғлик ғўза майдонлари кенгаймоқда.....4
- Б.ХАЛИКОВ, Ф.ЯКУБОВ, Х.БОЗОРОВ, Ў.МАХМУДОВ, Ш.БОБОҚАНДОВ.** Ғўзани муттасил ҳамда беда билан алмашлаб экишнинг пахта ҳосилига таъсири.....6

ҒАЛЛАЧИЛИК

- Ш.ТУРСУНОВ, П.БОБОМИРЗАЕВ.** Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой навларининг ўсув даври давомийлиги.....8
- Н.ИРНАЗАРОВА.** Маъданли ўғитлар меъёрларининг кузги буғдой дон ҳосилдорлигига таъсири.....10
- Г.ИШОНКУЛОВА, М.ТУРСУНОВ.** Кузги юмшоқ буғдой навлари дон ҳосилдорлигининг ҳудудлар тупроқ-иклим шароити ва ўрим муддатлари таъсирида ўзгариши.....11
- Х.ЖУРАЕВА, Н.КОМИЛОВА, Е.СИДДИҚОВ.** Маҳаллий шולי навларини екish мuddatларининг о'sув даври давомийлигига та'sири...13
- Н.БАХРАМОВА, М.ЖУМАНОВА.** Фасол (*Vicia faba* L.) нинг фотосинтетик маҳсулдорлиги юқори бўлган тизмаларни танлаш.....15
- Ҳ.ЮЛДАШЕВА, Ш.РИЗАЕВ.** Зарафшон воҳаси шароитида сабзавот (ширин) маккажўхорини мақбул экиш муддати ва меъёрлари.....17

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

- Х.ХОНҚУЛОВ, Х.САЙФИДИНОВ.** Ўтмишдош экинларнинг тақрорий экин сифатида экилган картошка навлари ҳосилдорлигига таъсири.....19
- А.МИРЗАЕВ, М.ИСОМИДДИНОВА.** Kartoshka tугanagidan gidroliz usulida ekstraklass kraxmal olish texnologiyasi.....21

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

- Ғ.ЖУРАЕВ, А.КУЗИЕВ, Ш.ТУРСУНОВ, Ч.ХОЛМУРОДОВ, Б.ЭРГАШЕВ, Ў.ДОНИЁРОВ.** Табиий холда ўсувчи доривор ўсимлик турлари, холати ва уларнинг тарқалиши.....22
- Ч.ХОЛМУРОДОВ, А.КУЗИЕВ, Ш.ТУРСУНОВ, Б.ЭРГАШЕВ.** Тиканакли ковул – *Capparis spinose* L. Ўсимлигини турли усулларда экиб кўпайтириш.....24
- Д.МУХАММАДИЕВА.** Доривор ўсимликларни етиштиришда таъсир этувчи омиллар ва инновацион йўналишлар.....26

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

- U.RASULOV.** Baqlajonda fuzarioz kasalligiga qarshi fungitsidlarining biologik samaradorligi.....29

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

- Ў.АБДИХАЛИЛОВ.** Кўп босқичли шарбат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг тузилмавий модели.....31
- М.САФАРОВ, Ғ.ЖАЛИЛОВ, Ғ.МЕНГЛИЕВ, Н.АВБОСОВ, И.КРОМОВ.** O'zbekiston veterinariya farmatsevtikasida ishlatiladigan insektitsidlar va akaritsidlarining kontent tahlili...32

ЧОРВАЧИЛИК

- L.URAZBAEVA.** Qishloq xo'jaligida chorvachilik mahsulotlarini yetishtirishga eksternaliyalar ta'siri.....34
- Ғ.БЕКНАЗАРОВА.** Chorvachilikni rivojlantirishda optimal ozuqa ratsionini tuzishning iqtisodiy-matematik modellari.....36
- А.НУРМАТОВ, Ш.ЖАББОРОВ, Б.ХАСАНОВ, О.С.ЖОНҒ.** Аҳоли ҳонадонларида соғин сигирларни озиклантиришда инновацион технологиялар.....37
- О.КУЧЧИЕВ, А.ҲАФИЗОВ.** Тойларнинг жадал ўсиш ривожланишини тезлаштиришда озиклантириш омилларининг аҳамияти.....38
- Р.ҲАСАНОВА.** Ипак қурти уруғчилиги тизимини ривожлантириш йўллари.....40
- Р.ҲАКИМОВА, Ғ.УТЕМУРАТОВА, Х.УМАРОВ, М.ЮЛДАШОВ.** Морфология европейского леща Тудакульского водохранилища Узбекистана.....42
- О.МУЙДИНОВ.** Yopiq suv aylanma tizimi – YSAT (UZV)da baliq yetishtirish istiqbollari.....44
- Н.ХУДАЙНАЗАРОВА, Н.ДИЛМУРОДОВ.** Tovuqlar postnatal ontogenezida orqa oyoqning naysimon suyaklari morfometrik ko'rsatkichlarining o'zgarish dinamikasi.....46

ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ

- К.МАДРАҲИМОВ.** Сув омборларида космик мониторингни амалга оширишнинг иқтисодий таҳлили.....48
- С.АХМЕДОВ.** Математико-статистическое обеспечение индикаторов управления эффективностью водопотребления в сельском хозяйстве регионов Узбекистана.....50
- У.САДИЕВ, Э.КАЗАКОВ, Д.МАХМУДОВА.** Жанубий Мирзачўл магистрал каналидаги сув оқимининг гидравлик параметрларини аниқлаш бўйича дала тадқиқотлари.....53
- А.РАМАЗАНОВ, Ғ.САДИЕВ.** Обоснование глубины горизонтального дренажа при дефиците водных ресурсов...55

A.ARIFJANOV, I.IMINOV. Irrigatsion tindirgichning gidravlik parametrlarini hisoblash.....	58
E.ШЕРМАТОВ, М.МИРХОСИЛОВА, М.МУХАММАДИЕВА. Тектонические гипотезы потери воды из реки Амударья.....	60
Т.КУДРАТОВ, М.ЯКУБОВ. Расчёт фильтрационных вод через поливные борозды.....	61
SH.ALIQULOVA, A.ESHNAZAROV. Qishloq xo'jaligida tuproqlarning sho'rlanishi tufayli kelib chiqadigan muammolar.....	63
Д.ҚУТЛИМУРАТОВА. Ўсимлик қолдиқларининг тупроқ ҳажм салмоғига таъсири.....	64
М.РАХИМОВ. Фосфорли ўғитларни қўллаш усул ва меъёрларининг тупроқ агрофизик хоссаларига таъсири.....	65
С.ХУСАНОВ, М.НОДИРЖОНОВ, Қ.АХМАДОВ. Минерал ва органоминерал ўғитлар қўллаш таъсирида тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлигининг ўзгариши.....	68
J.URINOV, J.RUSTAMOV, SH.ALIQULOVA, Z.JO'RABEKOV. Qishloq xo'jaligi yerlari monitoringini yuritish.....	70
S.SHARIPOV. Buzilgan yerlarni rekultivatsiya qilishning o'ziga xos xususiyatlari.....	71

МЕХАНИЗАЦИЯ

Р.РАХИМОВ, Р.ДЖАМОЛОВ, Т.КОРАБЕЛЬНИКОВА. Пахтани майда ифлосликлардан тозалашда қозикли барабанга ўрнатилган резина-чўткали планкаларнинг тозалаш самарасига таъсирини ўрганиш.....	73
И.ЭРГАШЕВ, Б.ТАШТЕМИРОВ, Ё.ИСЛОМОВ, А.АКРАМОВ, Ф.НАМАЗОВ. Обоснование параметров прикатывающих катков комбинированного орудия для посадки сеянцев и саженцев фитомелиорантов.....	74
D.JO'RAYEV. Junni tozalash agregatiga cho'tkali baraban o'rnatish hisobiga tozalash samaradorligini oshirish.....	76
D.IRGASHEV, X.FAYZULLAYEV, O.HAMRAYEV, O.RAXMATULLAYEV. Qiya ustunli ishchi organ pastki yumshatkichning parametrlarini asoslash.....	77
A.ABRAEV, N.JALILOV. Обоснование технико-экономической эффективности экспериментальной комбинированной пневмодинамической хлопкоуборочной машины.....	79
Р.СУЛАЙМОНОВ, А.ЮЛДАШЕВ. Жин аррасини қолосник билан ўзаро таъсирининг тадқиқоти.....	80
I.ERGASHEV, J.JONIQULOV, V.ABDULLAYEV, X.PARDAYEV. Ekish mashinalarining o'g'it miqdorlagich apparatlari tahlili.....	82

ИҚТИСОДИЁТ

О.АБДУҒАНИЕВ. Минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларини самарали ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш.....	83
Н.БАДАЛОВ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда Global G.A.P. стандартининг жорий этишда сертификат олиш босқичларининг аҳамияти.....	85
С.ИСКАНДАРОВ. Глобал иқлим ўзгаришининг моҳияти ва унинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирини баҳолашнинг илмий жиҳатлари.....	86
A.ЗАКИРОВ. Тўқимачилик корхоналарида бизнес-жараёнлар бошқарувини такомиллаштириш.....	88
О.ОТАНИЁЗОВ. Тўқимачилик саноати ривожланиш ҳолатини ўрганишда статистик тадқиқотлар ўрни.....	89
Р.ХОЖИМАТОВ. Пиллани қайта ишлаш корхоналарининг самарадорлигини оширишда уларнинг хомашё базасини ривожлантириш.....	91
М.ОҚБОЕВ. Ташқи иқтисодий фаолият самарасини ошириш масалалари.....	92
Ш.ВАЛИЖОНОВ. Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни масалалари.....	94
Л.УБАЙДУЛЛАЕВ. Иқтисодий ресурслардан фойдаланиш ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари.....	96
Т.АБРАЕВ. Худуд шароитида хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболли имкониятлари.....	98
Т.МАХМУДОВ. Минтақа иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш механизмларини такомиллаштириш.....	100
N.SAPAYEVA. Mintaqaning infratuzilma tarmoqlarini rivojlantirishda nisbiy ustunliklarni hisobga olish jihatlari.....	104
O.KAZAKOV. Менежмент фаолиятида етакчилик қобилиятидан фойдаланиш масалалари ва муаммолари.....	106
D.SHOG'DAROV, R.KUVONDIKOV, E.ERMAXAMETOVA, S.XAZRATQULOV. Davlat o'rmon kadastrini yuritishda GAT texnologiyalarining o'rni.....	108
Z.TO'XTAYEV. Sifat menejmenti tizimini tatbiq etishning asosiy bosqichlari.....	109
H.SATTAROV. Қурилиш корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий жиҳатлари.....	121
Ж.КАМБАРОВ. Рискларни эксперт баҳолаш тизими стратегиясини такомиллаштириш.....	113
С.АБДУЛХАКИМОВ. Ўзбекистонда хусусий бизнес ва кичик тадбиркорликнинг барқарор ривожланишини таъминлашни такомиллаштириш йўллари.....	114
S.ODILOVA. Mamlakatda xususiy maktablarning ijobiy imijini shakllantirishning nazariy asoslari.....	116
С.ЭШНАЗАРОВ. Давлат молиявий назоратида бюджет назоратининг моҳияти.....	118
A.QIDIRNIYAZOV. Uy-joy qurilishining samarali variantlarini tanlash va optimallashtirish.....	119

усулда чатиштириб олинган жами 29 та F_2 дурагайларидан толанинг микронейр кўрсаткичи андоза “Наманган-77” ғўза навида 5,1 га тенглиги кузатилиб, микронейр даражаси “дағал” бўлган бўлса, ўрганилган барча дурагайларда ушбу кўрсаткич андоза навида нисбатан паст бўлиб, 4,0-4,9 ташкил этди. Мезон бўйича “ўрта” оралиғида бўлганлиги кузатилди. Ўрганилган андоза нави ва дурагайларнинг толасининг бир хиллик индекси ГОСТ талабларига жавоб беришига қарамай, 2 та F_2 К-2712 х МТЧ-2736 ва F_2 СП-2532 х Омад дурагайларнинг кўрсаткичлари юқори бўлиб, 86,0-86,1% ни ташкил этган, қолган дурагайларнинг кўрсаткичлари 1-2% га паст бўлганлиги кузатилди.

Бугунги кунда толанинг асосий кўрсаткичларидан бири толанинг йигирувчанлик коэффициенти бўйича ўрганилган андоза ва барча дурагайларнинг кўрсаткичлари 140-149 оралиғида бўлиб, “юқори” ҳамда мезонига тўлиқ жавоб бериши аниқланди.

Қолган 9 та дурагайларда 150 дан юқори бўлиб, шундан энг юқори кўрсаткичларни F_2 (С-2120 х С-8290) ва F_2 (Порлоқ-4 х УзПИТИ-103) дурагайида 161 га, F_2 К-2712 х МТЧ-2736 дурагайида 164 га, F_2 ЖБ-102 х С-2120 дурагайида 165 га ҳамда F_2 (УзПИТИ-103 х Бухоро-102) 170 га тенг бўлиб, мезон “жуда юқори” талабларига жавоб бериши кузатилди. Тола чиқими бўйича ўрганилган 29 та F_2 дурагайларнинг андоза “Наманган-77” ғўза нави ва F_2 К-2712 х С-2120 дурагайида 37,5% бўлган бўлса, F_2 (С-2120 х Порлоқ-4) Порлоқ-4, F_2 (С-8290х

Пор-4)-Пор-4, F_2 СП-2531 х Омад, F_2 БМЛ-408 х МТЧ736, F_2 ЖБ-102 х С-8290 ва F_2 ЖБ-102 х С-2120 дурагайлари 35,8-37,7% ни, қолган 22 та дурагайларнинг кўрсаткичи 38,0-41,2% оралиғида бўлганлиги кузатилди. Юқори кўрсаткич F_2 БМЛ-408 х С-8290 дурагайида 42,0% бўлганлиги аниқланди.

Тола узунлиги бўйича андоза “Наманган-77” ғўза нави ва F_2 (Порлоқ-4 х С-2120), F_2 (С-8290 х Порлоқ-4)-Порлоқ-4, F_2 СП-2531 х С-8290, F_2 БМЛ-408 х С-8290, F_2 БМЛ-408 х С-2120 ва F_2 ЖБ-102 х С-2120 дурагайларида бир хил кўрсаткични, яъни 1,13 дюймни ташкил қилди. Қолган дурагайларнинг кўрсаткичлари юқори бўлиб, F_2 (С-2120 х С-8290), F_2 (УзПИТИ-103хБух-102), F_2 (С-2120 х Пор-4) Пор-4, F_2 К-2712 х Омад, F_2 СП-2532хМТЧ-2736, F_2 ЖБ-102 х С-8290 дурагайларида 1,14 дюйм, F_2 (С-8290 х УзПИТИ-103), F_2 К-2712 х С-8290, F_2 БАХ-100 х Омад ва F_2 К-2627 х Омад дурагайларида 1,15 дюйм, F_2 (УзПИТИ-103 х С-8290) ва F_2 СП-2532 х Омад дурагайида 1,16 дюйм, F_2 СП-2532 х С-2120 дурагайи 1,18дюйм ва энг юқори кўрсаткични F_2 К-2712 х МТЧ-2736 дурагайи 1,19 дюйм бўлганлиги ва толаси IV типга мансублиги аниқланди (1-жадвал).

Жамолiddин ЖАББОРОВ, таянч докторант,
Жамалхон АХМЕДОВ, б.ф.д., профессор,
Бахтияр ТАДЖИБАЕВ, катта илмий ходими,
ПСУЕАИТИ,
Джабборхон АХМЕДОВ,
ЎГРИТИ, қ.х.ф.д., катта илмий ходим.

АДАБИЁТЛАР

1. Тураева Д, Ибрагимов Ш. Результаты отдалённой гибридной селекции по урожайности и индексу волокна // О'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI / №5, -Тошкент. 2018, -Б.34
2. Ахмедов Ж.Х., Чориева Х.Д., Қодирова Д.Н., Очилдиев Н.Н. Янги яратилган ўрта ва ингичка толали ғўзани навлари ва тизмаларнинг тола сифати кўрсаткичлари // “Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш босқичлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами, Тошкент. 2018, -Б. 114-116.
3. Раҳмонқулов С.Р., Холмуродова Г.Р., Намозов Ш.Э., Тошматова М.Ш. Конвергент ғўза дурагайларининг тола сифати // “Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами.-Тошкент-2009. –Б 349-351

УЎТ: 633.511/631.5

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИЛАДИГАН УРУҒЛИК ҒЎЗА МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Аннотация. Ушбу мақолада уруғлик ғўза майдонлари ва ушбу майдонларда томчилатиб суғориш истиқболлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Аннотация. В данной статье приведены материалы о посевных площадях семенного хлопчатника и перспективах капельного орошения на этих полях.

Annotation. The paper presents data on the cropping area of cotton for seed production and the prospects of drip irrigation in these fields.

Дунёда ғўза етиштириш жараёнида сув энг катта чекловчи омил саналади. Ғўза нисбатан қурғоқчиликка чидамли экин бўлса-да, пахтачилик соҳаси ривожланган илғор мамлакатларда фермерлар сувдан самарали фойдаланишни таъминловчи сув менежменти амалиётини қабул қилган ва айнан бир хил сув миқдори билан сувни самарасиз сарфловчи фермерларга нисбатан кўпроқ пахта хомашёси етиштириб келмоқда.

Дунё бўйича томчилатиб суғориш тизими жорий этилган майдонлар давлатлар кесимида қуйидагича бўлиб, бунда

Исроил – 75%, АҚШ– 15%, Хитой – 15%, Ҳиндистон– 11%, Туркия – 7%, Эрон– 5%, Ўзбекистон–4,7%, Тунис – 7% ни ташкил этади. Худди шу каби томчилатиб суғориш тизимининг экин турлари бўйича майдонлари таҳлил этилганда, ғўза – 24%, маккажўхори – 21%, помидор – 13%, картошка – 8%, бошқа экинлар – 34% ни ташкил этади [6; pp.1-22].

Глобал иқлим ўзгаришлари шароитида Республикамызда ҳар йили 25-30% гача сув ресурслари тақчиллиги сезилмоқда. Ўзбекистон сув танқислиги энг юқори кузатиладиган давлатлар орасида 25-ўринда турибди. Сув танқислигини юмшатиш

мақсадида томчилатиб суғориш бўйича кейинги йилларда Президент Ш.Мирзиёев томонидан кетма-кет қарорлар имзоланди (ПҚ-4087, 4499, 4919-сонли). Бунинг натижасида сувтежовчи технологияларни жорий этиш жадал амалга оширилмоқда ва 2030 йилгача 50% суғориладиган ерларга сув тежамкор технологиялар жорий этилиши белгиланган. Масалан, 2021 йилда жами 200 минг гектарда томчилатиб суғориш жорий этилиб, умумий сув тежовчи технологияларнинг 40% ни ташкил этди. 2022 йилда эса 230 минг гектарга томчилатиб суғориш жорий этилиши режалаштирилган эди [2, 3].

Фарғона вилоятида томчилатиб суғориладиган майдонлар 9 минг 928 гектар, лазерли текислаш қўлланиладиган майдон 17 минг 800 гектар, дискрет суғориш 1 минг 849 гектар, ёмғирлатиб суғориш 1 минг 584 гектар, плёнка тўшаб мулчаб суғориш 2 минг 995 гектар, эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш 3 минг 580 гектарни ташкил этади [7].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-106-сонли қарори бўйича мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2022-2026 йилларда 580 минг гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва бунинг натижасида сувни 50-55%, ЁММни 30-35% тежаш ва гектаридан қўшимча 10-12 центнер пахта ҳосили олиш вазифаси қўйилган [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-107-сон қарори бўйича 2023 йил ёзги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида мавжуд сув ресурсларини тежайдиган технологиялар жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш, сув ресурсларини фермер даласигача етказиб бериш харажатларини мақбуллаштириш орқали тўлов шаффофлигини ошириш ва сув ресурсларининг бошқарувиغا замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш бўйича бир қатор вазифалар юклатилган [5].

Юқоридаги долзарб муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг Марказий минтақаси Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида томчилатиб суғориладиган уруғлик ғўза майдонларида мақбул суғориш интервалларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди.

2021 йилда Республикамизда уруғлик учун экилган ғўза майдонлари жами 127,3 минг гектарни ташкил этиб, умумий ғўза майдонининг 12,3% ни ташкил этган. Бунда элита уруғчилиги 45,6 минг гектарда, биринчи авлодли R_1 уруғчилик 77,6 минг гектар, иккинчи авлодли R_2 уруғчилиги эса 4,1 минг гектар майдонда йўлга қўйилган.

Республикамизда сув танқислиги кескинлашуви натижасида уруғлик майдонларида ҳам сувтежовчи технологиялар жадал жорий этилиши бошлаб юборилди. Биргина 2021 йилда томчилатиб суғорилган уруғлик ғўза майдонлари жами 22 минг 27 гектарни ташкил этиб, умумий уруғлик майдонининг 7,3% ни ташкил этди. Томчилатиб суғориш жорий этилган уруғчилик субъектлари эса 3839 тани ташкил этди. Шу сабабли ҳам томчилатиб суғоришда уруғлик етиштириш бўйича бажарилаётган ушбу лойиҳа долзарб масалага қаратилган.

Тажрибалар 2022 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманидаги ПСУЕАИТИнинг Фарғона ИТС тажриба далаларида IL-21091358-рақамли «Томчилатиб суғориш технологиясида турли суғориш интерваллари ва кўчат қалинлигида уруғлик ғўза агротехикасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги ташаббускор амалий лойиҳа бўйича бошланган. Тажрибада С-8290 ғўза навининг R_1 уруғликларидан фойдаланилиб, икки хил суғориш технологиясида (эгатлаб ва томчилатиб), 3 хил кўчат қалинлигида (70; 110 ва 150 минг туп/га) ва 4 хил суғориш интервалларида 3 кун (юқори частотали суғориш), 6 кун (ўрта частотали суғориш), 9 кун (паст частотали суғориш) ва 6 кун гуллашгача, 3 кун гуллаш-ҳосил тўплашда, 9 кун пишиш даврида суғоришлар олиб борилмоқда.

Тажриба тизими 15 та вариантдан иборат бўлиб, 3 тадан такрорланишда, битта ярусда жойлаштирилди. Тадқиқотларда барча таҳлиллар, кузатувлар ЎзПИТИнинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (Тошкент, 2007) бўйича олиб борилди [1].

Фарғона вилоятида жами 82 минг 80 гектар майдонда чигит экиладиган бўлса, шундан 72 минг 599 гектарида техник пахта хомашёси учун, 9 минг 482 гектарида эса уруғлик учун ғўза навлари етиштирилади. Бунда жами чигит экиладиган майдоннинг 11,6% ни уруғлик ғўза майдонлари ташкил этади. Айнан лойиҳада ўрганилган, тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган С-8290 ғўза нави Фарғона вилоятида катта майдонларда парваришланиб, техник пахта хомашёси учун жами 41 минг 411 гектарда парваришлана-

1-жадвал.

Фарғона вилояти туманларида 2022 йил ҳосили учун техник ва уруғлик учун чигит экилган майдонлар, гектар

№	Туманлар номи	Чигит экиладиган майдон, га	Шундан, жами		Шу жумладан, С-8290 нави бўйича			1-авлодли (R_1)
			Техник	Уруғлик	Техник	Супер элита	Элита	
1	Бешарик	7995	7234,5	760,5	0	0	0	0
2	Боғдод	5200	4550	650	2548	0	129,4	281
3	Бувайда	5120	4520	600	3626	0	0	302,8
4	Данғара	6190	5589	601	3808,9	0	0	123,4
5	Ёзёвон	5210	4760	450	3550,2	0	143,1	252,9
6	Қува	6225	5511	714	2767	0	110,7	347,7
7	Олтиариқ	6220	5220	1000	3262,5	23,1	281,7	433,6
8	Қўштепа	7240	6320	920	3142,2	0	157,7	388,4
9	Риштон	5950	5227	723	3032,2	0	36,5	407
10	Тошлоқ	5120	4194	926	3146	39,3	105,1	482,8
11	Ўзбекистон	4650	4150	500	3096,5	0	0	213
12	Учкўприк	5720	5099	621	3195,5	0	0	115
13	Фарғона	5815	5415	400	3405,2	0	83,8	109,6
14	Фуркат	5425	4809	616	2830,8	0	146,2	195,5
Вилоят жами:		82080	72599	9482	41411	62	1194	3653

ди. Бу эса вилоятдаги чигит экиладиган майдоннинг тенг ярмини ташкил этади. Ушбу навнинг уруғчилиги Олтиарик, Кува, Боғдод, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Тошлоқ, Ўзбекистон, Учқўприк, Фарғона ва Фурқат туманларида ташкил этилган. Бунда супер элита уруғликлари асосан 2 та туманда яъни Олтиарикда 23,1 гектар, Тошлоқда эса 39,3 гектар майдонда ташкил этилган. Вилоят кесимида С-8290 ғўза навининг суперэлита уруғлари 62 гектар, элита 1194 гектар, 1-авлодли (R_1) уруғлари эса 3653 гектарда етиштирилади (1-жадвал).

Бундан кўриниб турибдики, С-8290 ғўза нави Фарғона вилояти учун мос бўлган нав бўлиб, ушбу навнинг уруғчилиги тизимли равишда катта майдонда ташкил этилган. Айнан

ушбу лойиҳада олинadиган натижалар кейинчалик ушбу уруғчилик хўжалиқларида жорий этилиши уруғлик сифатининг ошишини таъминлайди.

Мирзоолим АВЛИЯКУЛОВ,
қ.х.ф.д., катта илмий ходим, (ПСУЕАИТИ),

Нурмамат РАЖАБОВ,
қ.х.ф.д., доцент (ТИҚММИ МТУ),

Махсутали ХОЖИМАТОВ,
илмий ходим (ПСУЕАИТИ),

Сардор НАЗИРОВ,

Инновацион ривожланиш агентлигининг Давлат илмий дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. -Тошкент 2007. -Б. 1-46.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 октябрдаги «Қишлоқ хўжалигида сувтежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4499-сон қарори. -Тошкент 2019.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 11 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4919-сон қарори. -Тошкент 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-106-сонли қарори. Тошкент 2022.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-107-сон қарори. Тошкент 2023.
6. Hossain, S.A.A.M., Lixue, W., Uddin, M.E., Dan, L., Haisheng, L. and Siping, L., 2017. Contemporary perspective of drip Irrigation: A review of water saving crop production. Asian Research Journal of Agriculture, 3(4), pp.1-22.
7. <https://t.me/uzzagroministry> (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг расмий телеграм канали).

УЎТ: 631.559+633.51/631.582.1/633.31+631.582

ЎЗНИ МУТТАСИЛ ҲАМДА БЕДА БИЛАН АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада ғўзани маҳаллий ва маъдан ўғит меъёрлари фонида муттасил ҳамда ғўза-беда алмашлаб экиш тизимида йиллар давомида парваришлашнинг пахта ҳосилига таъсири бўйича олинган маълумотлар баён этилган.

Аннотация. В статье приводятся данные о влиянии выращивания хлопчатника при монокультуре, а также в схеме севооборотного посева хлопчатник: люцерна на фоне норм органического и минеральных удобрений на урожай хлопка-сырца.

Annotation. The article presents data on the impact of growing cotton in monoculture, as well as in the scheme of crop rotation sowing cotton: alfalfa against the background of norms of organic and mineral fertilizers on the yield of raw cotton.

Дунёда 300 га яқин узоқ йиллардан буён 50 йилдан ортқ ўтказиб келинаётган катта-кичик тажрибалар мавжуд. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Пенсильвания Штатида олиб борилаётган 144 та вариантдан иборат 1869 йилда бошланган тажриба, Париждан унча узоқ бўлмаган Гриньон дала тажрибаси, 1875 йили француз кимёгари Пьер Дегерен томонидан асос солинган, Миссури ва Огайо штатларидаги узоқ йиллик тажрибалар, Германиянинг Галл провинциясида профессор Юлиус Кюн томонидан 1878 йилда асос солинган тажрибалар шулар жумласидандир [1; 2].

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти тажриба далаларида 1926 йилдан буён олиб борилаётган “Муттасил ғўза ва ғўза-беда алмашлаб экиш далаларида тупроқнинг унумдорлик

ҳолати” тажрибаси ана шундай кўп йиллик тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Тажрибанинг бир қисми муттасил ғўза парваришга қаратилган бўлиб, 1-вариантда кўп йиллардан буён ғўза ҳар йили 30 т/га гўнг+25 кг/га фосфор, 2-вариант маъдан ўғитлар $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га меъёрида, 3-вариант назорат ҳеч қандай ўғитларсиз, ҳамда 4-вариантда эса маъдан ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрида белгиланган бўлиб, ғўза етиштиришда тупроқ унумдорлигига экинларнинг сўнгги таъсири аниқланди.

Шунингдек, беда–ғўза алмашлаб экишда уч йиллик бедадан сўнг муттасил ғўза вариантлари каби турли меъёрларда гўнг, ўғитлар ва ўғитсиз ғўза парваришлашнинг унинг ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди.

Олинган маълумотларга кўра, ғўза ҳосилдорлиги ҳар йили 30 т/га гўнг+25 кг/га фосфор қўлланилиб, муттасил

Кўчириб босилган мақолаларга «AGRO ILM» журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Кўчирмакашлик (плагиат) материаллар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

**Босмахонага тоширилди: 2023 йил 24 июль.
Босишга рухсат этилди: 2023 йил 24 июль.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида чоп этилди.
Ҳажми 14 босма табақ.
Бўюртма №8. Нусхаси 200 дона.**

**«NUR ZIYO NASHR» МЧЖ босмахонасида чоп
этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррирлар – Б.ЭСОНОВ,
А. ТАИРОВ**

Дизайнер-саҳифаловчи – У.МАМАЖОНОВ.

